

## IX. ТОВАРЛАР ВА ХИЗМАТЛАР БОЗОРИ

2017 йилнинг январь–декабрида чакана савдо товар айланмаси 9 250,9 млрд. сўмни ёки 2016 йилнинг шу даврига нисбатан 103,6 фоизни ташкил қилди.

Йирик корхоналарнинг чакана савдо товар айланмаси 784,3 млрд. сўмни ва умумий чакана савдо товар айланмасидаги улуши 8,5 фоизни ташкил қилди.

Кичик корхона ва микрофирмаларнинг чакана савдо товар айланмаси 21,5 фоизга кўпайиб, 1 986,8 млрд. сўмга етди, умумий чакана савдо товар айланмасидаги улуши эса 19,5 фоизни ташкил қилди.

Умумий товар айланмаси ҳажмида 5 601,1 млрд. сўм якка тартибдаги тадбиркорлар ҳисобига тўғри келди ва ўсиш суръати 2016 йилнинг шу даврига нисбатан 99,2 фоизни ташкил этди. Жами чакана савдо товар айланмаси ҳажмида ушбу сектор улуши 60,5 фоизга тенг бўлди.

**Чакана савдо товар айланмаси таркиби**  
(2017 йилнинг январь–декабрь ҳолатига фоизда,  
уюлмаган савдосиз)




2017 йилнинг январь–декабрда чакана савдо товар айланмаси таркиби давлат ва нодавлат шакллари бўйича қуйидагича ифодаланади: нодавлат сектор мулки 9 250,9 млрд.сўмни ёки ўтган 2016 йилнинг шу даврига нисбатан 103,6 фоизни ва умумий чакана савдо товар айланмасидаги улуши 100,0 фоизни ташкил қилди.

**2017 йилнинг январь–декабрда чакана савдо  
товар айланмаси таркиби**


	млрд.сўм	2016 йил январь- декабрга нисбатан фоиз ҳисобида	умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида
<b>Жами</b>	<b>9 250,9</b>	<b>103,6</b>	<b>100,0</b>
<i>шу жумладан:</i>			
йирик корхоналар	784,3	116,5	8,5
кичик тадбиркорлик	8 466,6	102,6	91,5
шу қаторда уюшмаган савдо товар айланмаси	878,7	94,5	9,5

**Чакана савдо товар айланмаси таркиби**  
(умумий ҳажмга нисбатан, фоизда)

2016 й.



2017 й.



■ Йирик корхоналар ■ Кичик корхоналар ва яқка тадбиркорликда ■ Уюшмаган савдо